



МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТҮГРИСИДАГИ ҲИСОБОТИНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Фаризабону Юсупова,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

Email: yusupovaf.95@gmail.com

Самарқанд, Ўзбекистон

METHODOLOGICAL ISSUES OF STATEMENT OF FINANCIAL RESULTS

Farizabonu Yusupova,

PhD student of the Samarkand Institute of Economics and Service

Email: yusupovaf.95@gmail.com

Samarkand, Uzbekistan

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация: Уибу мақолада амалдаги молиявий натижалар түгрисидаги ҳисоботнинг ҳолати таҳлил қилинган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХС) ва илгор тажрибалар асосида “фойда ёки зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар түгрисидаги ҳисобот”нинг янги шакли ишилаб чиқилди. Таклиф этилган ҳисобот шаклида одатдаги фаолияти билан бөглиқ бўлган даромадлар маркиби ишилаб чиқилди. Бу кўрсаткичлар ҳисоботда операцион фаолият ва молиявий фаолиятдан олинган даромадларда ўз аксини топди. Ҳисоботда одатдаги фаолияти билан бөглиқ бўлмаган даромадлар (бошқа даромадлар) ҳам алоҳида компонентлари кесимида акс этирилди. Давом этаётган фаолият ва тугаланаётган фаолият натижалари алоҳида қайд қилинган. Халқаро стандартларга мувофиқ фойда ҳамда жами тўплам даромадларни назорат қилинадиган акциядорларга ҳамда назорат қилинмайдиган қатнашии ҳиссасига ажратган ҳолда акс этириши тавсия

этилганлиги ҳам ҳисоботнинг жозибадорлигини оширади.

Abstract: This article analyzes the current state of financial performance reporting. Based on international financial reporting standards (IFRS) and best practices, a new form of "statement of profit or loss and other comprehensive income" was developed. In the form of the proposed report, the structure of income related to ordinary activities was developed. These indicators are reflected in the report on the income from operating activities and financial activities. In the report, incomes not related to ordinary activities (other incomes) were also reflected in the section of separate components. The results of ongoing activities and completed activities are recorded separately. The attractiveness of the report is also enhanced by the fact that it is recommended to reflect the profit and the total comprehensive income by international standards by dividing the controlled shareholders and the non-controlled participants.

Калимли сўзлар: даромадлар, харажатлар, ялни фойда (зарар),



операцион фаолият фойдаси (зарари), молиявий фаолиятдан тушумлар ва харажатлар, асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари), асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромад ва харажатлар, соғ фойда

Keywords: *income, expenses, gross profit (loss), profit (loss) of operating activities, income and expenses from financial activities, profit (loss) of the main (ordinary) activity, income and expenses not related to the main (ordinary) activity, net profit.*

Кириш. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида корхоналарда компанияларда фойда ёки заарлар ҳисобини такомиллаштиришга оид кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатларда МХҲС жорий қилиш орқали “фойда ёки заарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар” тўғрисидаги ҳисбонинг янги формати жорий қилиш бўйича вазифалар юклатилди. Компанияларда даромадлар ва харажатларни тан олиш, баҳолашнинг янги усулибиёти йўлга қўйилди. Концептуал қоидаларда молиявий ҳисбонинг элементи сифатида даромад ва харажатларнинг янги таърифи ишлаб чиқилди. Янги шакллардаги ҳисбонларда молиявий фаолият натижаларини акс эттирувчи моддалар ҳиссаси оширилди. Фойда солиги ва акцияга фойдани тартибга солувчи халқаро стандартлар бугунги кунда халқаро инвесторларга ахборотларни тақдим қилишда муҳим стандартлар сифатида намаён бўлди. Халқаро стандартларга ўтаётган мамлакатларда ушбу стандарт қоидаларни кўллашда маълум муаммолар юзага келмоқда. Айниқса даромад ва

харажатларни ҳаққоний баҳолаш, фаол бозорда ҳаққоний баҳони шакллантириш, молиявий инструментларни баҳолаш ва уларнинг молиявий натижаларга таъсири аниқлашда услубий тартиб-қоидалар етарли эмас. Ушбу муаммолар МХҲСларини ривожланаётган мамлакатларда фаол жорий қилишда тўсқинлик қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Молиявий ҳисбонларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомдаги муҳокама киритилган молиявий ҳисбон шаклларини илмий таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Бу эса ўз навбатида молиявий ҳисбон шакллари (форматлари) бўйича халқаро тажрибалар, халқаро аудиторлик ташкилотлари ва бошқа профессионал ташкилотлар томонидан тавсия этилган форматларини тадқиқ этиш, ижобий жиҳатларини жорий этишни талаб этилади. Шу асосда ҳисбонинг номланиши, ҳисбонда акс эттирилаётган кўрсаткичлар, уларни ҳисблаш тартиби, кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги борасида таклиф ва тавсиялар тақдим этиш долзарб масала ҳисбланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисбонинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида “Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисбони МХҲС асосида эълон қилинишини таъминлаш чораларини кўриш”[1] вазифаси юклатилган. Бу вазифалар ўз навбатида молиявий ҳисбон, жумладан молиявий натижаларга доир ҳисбон форматларини халқаро стандартларга тўлиқ



мувофиқлаштиришни тақозо этади. Шу боис, мазкур мақола долзарб мавзуга бағишиланган.

Материал ва метод. Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот шаклини такомиллаштириш, уни МХХСлари талабларига мувофиқлаштириш бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан:

З.Т.Эшбекова “Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар түғрисидаги ҳисоботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиёт ҳисобланади” [2] деб тавсифлайди.

PricewaterhouseCoopers халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан “фойда ёки заарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар түғрисидаги” [3] ҳисобот формати таклиф этилганлиги хам диққатга сазовордир. Ушбу ҳисобот формати МХХСлари талабларида ишлаб чиқилган. Унда компаниянинг молиявий фаолиятига доир ахборотлар етарли даражада тизимлаштирилган, қайсики бу жиҳатлари ҳисоботнинг ахборот қамровини кенгайтиришга ҳамда ҳисоботнинг шаффоғлигини оширишга хизмат қиласди.

Р.Р.Обидовнинг “Ушбу шаклдан кўриниб турибдики, биз жуда кўп йўналишларда молиявий натижалар түғрисидаги ҳисоботни такомиллаштиришимиз керак. Бунинг учун фойда ёки заарлар түғрисидаги

ҳисобот моддаларини номланишини, ҳамда мазмун жиҳатдан бойитишимиз, бошқа тўплам даромадлар таркибини ишлаб чиқишимиз керак” [4] деб келтирган фикрларига тўлиқ қўшиламиз.

С.Н.Ташназаров молиявий ҳисобот масалаларига бағишиланган монографиясида “Фойда ёки заарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар түғрисидаги ҳисобот”нинг [5] шакли тавсия этилган. Ҳисобот шаклида муаллиф томонидан соф даромадни аниқлаш тартиби, операцион фойда, асосий фаолиятдан олинган фойда (заарлар), одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар каби сатрларни киритиш таклиф этилган. Албатта ушбу таклифлар ҳисобот форматини МХХСларига мувофиқлаштиришга хизмат қиласди.

М.Темирханова “Туристик корхоналарда умумлаштирилган даромадлари түғрисидаги ҳисобот (молиявий натижалар түғрисидаги) маълумотлари асосида маржинал фойда ва унинг омилли таҳлили қуйидаги кўрсаткичлар асосида ҳисобланди...”[6] деб таъкидлаб янги ҳисобот шакли маълумотлари асосида маржинал фойда кўрсаткчларини ҳисоблаш тартибини келтиради.

Н.Р.Пешкова томонидан модификацияланган молиявий натижалар түғрисидаги ҳисобот шакли [7] тавсия этилган. Ушбу тавсия этилган шаклга одатдаги фаолиятидан олинган фойда, қайтарилимаслик шарти билан молиялаштириш харажатлари, фоиз бўйича даромадлар, фоиз бўйича харажатлар каби сатрларининг киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Т.Ю.Дружиловская ўз тадқиқотларида молиявий натижалар

түғрисидаги ҳисоботнинг таклиф этилаётган шаклини [8] келтиради. Ушбу шаклда ҳам одатдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатлар, одатдаги фаолиятидан олинган фойда ёки заарлар, бошқа ташкилотларда қатнашишдан олинган даромадлар, жорий бўлмаган активларнинг чиқиб кетиши натижалари, давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки заарлар, тугалланаётган фаолиятдан олинган фойда ёки заарлар, бошқа умумлашган даромадларни акс эттирадиган қатор сатрлар ўз аксини топиши ҳисоботнинг ахборот қамровини кенгайтирган.

Халқаро молиявий амалиётда етакчи мутахассис Рами Али молиявий ҳолат ва молиявий натижаларни яхшилашнинг усулларини кўрсатиб беради ва бу амалиёт ўзининг кутилган натижаларини берган: “Компаниянинг молиявий ҳолати ва натижаларини яхшилашнинг йигирмата йўли:

1. Бизнес-режангизни аниқланг;
2. Кундалик харажатларингизни билинг;
3. Дебиторлик қарзларини ундиришни тақомиллаштиринг;
4. Профессионал маслаҳат сўранг (молиявий маслаҳатчи);
5. Харажатларни камайтиринг;
6. Бизнес активларини сотинг;
7. Нархларни оширинг;
8. Ортиқча захираларни кўчириш учун чегирмаларни таклиф қилинг;
9. Бир нечта тўлов имкониятларини таклиф қилинг;
10. Бизнес қарзингизни бирлаштиринг;
11. Маркетинг харакатларини оширинг;
12. Грантлар учун ариза беринг;
13. Солик тўлаш муддатини бажаринг;

14. Қўшимча харажатларни назорат қилинг;
15. Пул оқимини назорат қилинг;
16. Тўланмаган тўловларни кузатиб боринг;
17. Бизнесни молиялаштириш учун ариза беринг;
18. Мижозларингиз базасини кенгайтиринг;
19. Ташқи инвестицияларни кўриб чиқинг;
20. НетСуите-да реал вақт режимидаги маълумотлар билан рекордни янгиланг.” [9]

К P Venugopala Rao, Farha Ibrahim лар интеграциялашган ҳисбот түғрисида фикрни илгари сурадилар: “Компаниялар ўзларининг йиллик ҳисботларни манфаатдор томонлар эҳтиёжлари учун йўналтириш мақсадида унга оид бўлган ҳар томонлама маълумотларни тақдим этиш, уларни ўз режаларига мувофиқ келишини таъминлаш ҳамда ахборотлар қамровини миқдорий ва сифат жиҳатидан кенгайтиришга интилади. Компанияларнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатларга қўшган умумий ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар манфаатдор томонларга онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Анъанавий молиявий ҳисбот тизими корхонанинг қўшган ҳиссаларнинг жамиятга умумий таъсирини тушунишда етарли эмаслиги сабабли, компаниялар анъанавий молиявий ҳисбот беришдан ташқарига чиқиб, интеграциялашган ҳисботни тақдим этишга ўтмоқда.”[10]

Ушбу ўрганишлар натижасида хулоса қилиш мумкинки, молиявий ҳисботнинг таркибий қисми бўлган молиявий натижалар түғрисидаги ҳисбот ягона формати яратилган эмас, халқаро компаниялар томонидан уни тақомиллаштириш, ахборот

фойдаланувчиларнинг манфаатларига уйғунлаштириш, оқилона ва стратегик қарорлар қабул қилинишига йўналтириш, интеграциялашган ҳисоботларни тақдим этишга интилмоқда.

Натижалар. Молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб даромад ва харажатлар ҳам яқуний молиявий натижа фойда бўлиб

ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларга доир ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиша молиявий ҳисоботнинг концептуал қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Концептуал асосларда даромадларнинг таркибий қисмига оид моддаларни қуидаги жадвалда расмийлаштиришимиз мумкин бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Концептуал асосларда даромадлар таркибининг белгиланишига оид қоидалар¹

Модда	Мазмуни
	Молиявий ҳисоботнинг халқаро концептуал асосларда даромадлар асосий даромадлар, яъни тушумларга (revenue) ва асосий бўлмаган бошқа даромадларга , яъни нафларга (gains) ажратилган
4.29	Даромадларнинг таърифи ўз ичига тушумни ҳам, шунингдек бошқа даромадларни ҳам олади. Тушумлар ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва турли номлардаги, хусусан “сотишдан тушум”, “хизматлар учун рағбатлантиришлар”, “фоизлар”, “дивиденdlар”, “ројалти” ва “ижара тўловлари”ни ўз ичига олади
4.30	Бошқа даромадлар фойданинг турли хил моддалари бўлиб, яъни нафлар тушумлар тавсифига (аниқланишига) жавоб берадиган ва у корхонанинг одатдаги фаолияти натижасида юзага келиши ёки юзага келмаслиги мумкин бўлган бошқа моддалардир. Бундай фойда иқтисодий нафнинг қўпайиши билан тавсифланади. Шундай қилиб ўзининг хусусиятига кўра тушумдан фарқ қилмайди. Шу боис, улар ушбу концептуал асосларда алоҳида элемент сифатида қаралмайди Буларга: 1.Оборотдан ташқари активларни тасарруф қилишдан олинган фойда; 2. Сотишга қобилиятли қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган нафлар; 3. Узоқ муддатли активларнинг баланс қийматининг ошиши натижасида юзага келган фойда; 3.Валюта курси фарқи; 4. Кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган нафлар; 5. Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар; 6. Олинган пенья, жарима ва неустойкалар; 7. Ҳисбот даврида аниқланган ўтган даврлар даромадлари; 8. Бошқа нафларни киритиш мумкин. Асосий бўлмаган тушумлар (Бошқа даромадлар) фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисботда тан олинганда одатда улар алоҳида акс эттирилади, чунки улар тўғрисидаги ахборотлар иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали ҳисобланади. Фойданинг ҳар бир моддаси бўйича шу даромадга мос харажатларни айришдан кейинги сумма акс эттирилади.

1

https://www.mfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predisloviya - kopiya.pdf асосида муаллиф ишланмаси

4.31	Бошқа даромадлар ўз ичига, масалан, жорий бўлмаган активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойдани олади. Ушбу даромадларнинг таърифи реализация қилинмаган, масалан бозордаги қимматли қофозларни қайta баҳолашдан ҳамда узоқ муддатли активларнинг баланс қийматини оширишдан олинган фойдани ҳам ўз ичига олади. Бошқа даромадлар фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинганда одатда улар алоҳида кўрсатилади, чунки улар тўғрисидаги ахборотлар иктиносидан қарорларни қабул қилишда фойдали ҳисобланади. Фойда моддалари одатда тааллуқли харажатларни чигиргандан кейинги суммаси сифатида акс эттирилади
4.32	Турли кўринишдаги активлар даромадлар ҳисобидан олиниши ёки сифати яхшиланиши мумкин, мисол сифатида пул маблағлари, дебиторлик қарзлари, жўнатилган товар ва хизматлар учун алмаштиришда олинган товар ва хизматлар. Даромадлар мажбуриятларни сўндириш натижасида ҳам олиниши мумкин. Масалан, ташкилот тўланмаган қарзларни тўлаш учун мажбуриятларни тартибига солиши мақсадида кредиторга товар ва хизматларни тақдим этиши мумкин

Бугунги кунда амалда бўлган “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисобот шакли ва мазмуни давр талабларига мувофиқ келмайди. Шу боис, мамлакатимизда амалда бўлган молиявий натижлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир кўрсаткичини таҳлил қилиб, уни ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Биз

миллий стандартларимиз асосида молиявий натижалар кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни ҳисботларда акс эттириш тартибини ҳамда уни МХХСларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларимизни қуйидаги жадвалда келтирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Бугунги кунда амалда бўлган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўллари²

Миллий стандартда аниқлаш тартиби	Ҳалқаро стандартлар асосида тақлифлар
010-сатр. “Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум” = Маҳсулотлар (товар, иш ва хизматлар) реализациясидан олинган даромад – товарларнинг қайтарилиши – харидор ва буюртмачиларга тақдим қилинган чегирмалар)	010-сатр. “Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) реализациясидан олинган соғ тушум” = Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) реализациясидан олинган ялпи тушум – қайтарилган реализация ва нархини камайтириш – тақдим қилинган чегирмалар

² С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. Дарслик. –Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023 й. 181-187. Дарсликнинг параграфи Ф.Юсупова билан ҳамкорликда тайёрланган.



020-сатр. “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи”	020-сатр. “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи” = тайёр маҳсулотларнинг давр бошидаги қолдиғи + ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар қолдиғи – тайёр маҳсулотларнинг давр охиридаги қолдиғи
030-сатр. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (010-020)	030-сатр. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси = (010 “Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) реализациясидан олинган соф даромад – 020 “Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи”
040-сатр. Давр харажатлари (050+060+070+080)	040-сатр. Операцион харажатлар (050+
050-сатр. Сотиш харажатлари	050-сатр. Сотиш харажатлари
060-сатр. Маъмурий харажатлар	060-сатр. Маъмурий харажатлар
070-сатр. Бошқа операцион харажатлар	
	070-сатр. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари
090-сатр. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари = Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар + Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда + Сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар хузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар. + Асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинган даромадлар. + Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар. + Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. + Давлат субсидияларидан даромадлар + Холисона молиявий ёрдам. + Бошқа операцион даромадлар.	
100-сатр. Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (030-040+090)	080-сатр. Операцион фаолиятнинг фойдаси (зарари) (030-040)



110-сатр. Молиявий фаолиятнинг даромадлари	090-сатр. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (100+110+120+130+140)
120-сатр. Дивиденд шаклдаги даромадлар	100-сатр. Фоизлар
130-сатр. Фоиз шаклидаги даромадлар	110-сатр. Дивидендлар
140-сатр. Молиявий ижарадан даромадлар	120-сатр. Роялти
150-сатр. Валюта курси фарқидан даромадлар	130-сатр. Ижара тўловлари
160-сатр. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	140-сатр. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари
170-сатр. Молиявий фаолият бўйича харажатлар (180+190+200+210)	150-сатр. Молиявий фаолият бўйича харажатлар (160+170+180+190)
180-сатр. Фоизлар шаклидаги харажатлар	160-сатр. Фоизлар шаклидаги харажатлар
190-сатр. Молиявий ижара бўйича фоиз шаклидаги харажатлар	170-сатр. Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоиз шаклидаги харажатлар
200-сатр. Валюта курси фарқидан заарлар	
210-сатр. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	180-сатр. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар
	190-сатр. Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (080+090-150)
220-сатр. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (100+110-170)	
	200-сатр. Асосий бўлмаган тушумлар (210+220+230+240+250+260)
230-сатр. Фавқулотдаги фойда ёки заарлар	210-сатр. Олинган пенья, жарима ва неустойкалар
	220-сатр. Жорий бўлмаган активларни сотишдан олинган фойда
	230-сатр. Сотишга қобилиятли қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган нафлар
	240-сатр. Валюта курси фарқи
250-сатр.	250-сатр. Кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган нафлар
	240-сатр. Қайтарилимайдиган молиявий ёрдам
	250-сатр. Ҳисбот даврида аниқланган ўтган даврлар даромадлари
	260-сатр. Бошқа даромадлар
	270-сатр. Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар (280 + 290 + 300 + 310)

	280-сатр. фавқулотда юзага келган харажатлар
	290-сатр. Жорий бўлмаган активларни тасарруф қилиш натижасида юзага келган заарлар
	300-сатр. Валюта курси фарқи бўйича заарлар
	310-сатр. Бошқа одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар
	340-сатр. Бухгалтерия баҳолашларидағи ўзгаришлар таъсири
240-сатр. Фойда солиги тўлагунга қадар фойда (зарар) (220+(-)230)	350-сатр. Солик тўлагунга қадар фойда (190+200-270+(-)340)
250-сатр. Фойда солиги	360-сатр. Фойда (даромад) солиги
260-сатр. Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	370-сатр. Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқлар ва ажратмалар
270-сатр. Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари) (240-250-260)	380-сатр. Ҳисобот давридаги соғ фойдаси (зарари) (350-360-370)

Ушбу таклифларни мазмун ва моҳиятини очиқлаш мақсадида қуидаги хуласаларни келтирамиз:

“Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи” кўрсаткичини тайёр маҳсулотларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қолдиқлари ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотнинг таннархи асосида ҳисоблаш методологиясига асосланади. Давр харажатларини таснифлашда харажатларнинг маҳсулотларни сотиш жараёнида ёки маъмурий-бошқарув жараёнида юз берганлиги асос қилиб олинган. Бундан ташқари, “тажриба-конструкторлик ишланмалари”ни ҳам шу харажатлар таркибиға киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Амалдаги шаклда келтирилган **“Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари”га** ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар; ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда; асосий

воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинган даромадлар; даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар; давлат субсидияларидан даромадлар; холисона молиявий ёрдам; бошқа операцион даромадлар каби моддалар киритилган. Бу даромадларнинг биронтаси ҳам корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ эмас. Шу боис, бу тушумларни одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаганлигини инобатга олиб **“Асосий бўлмаган бошқа тушумлар”** деб аташ мақсадга мувофиқ.

Халқаро стандартларда **молиявий фаолият** компаниянинг асосий фаолиятига киритилган. Шу боис, бу масалани ҳам ўйлаб қўриш керак. Бундан ташқари “валюта курси фарқидан олинган даромад” корхонанинг асосий фаолиятга киритилган молиявий фаолияти билан боғлиқ эмас. Компания фаолияти курс фарқнинг юзага келишига боғлиқлиги ўйқ. Шу боис, халқаро тажрибалардан

келиб чиқиб “валюта курси фарқидан олинган даромадни” асосий бўлмаган тушумлар таркибида киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек “валюта курси фарқидан заарлар”ни компания фаолияти валюта курсини белгилашда таъсири йўқлигини хисобга олиб, халқаро тажрибаларга уйғунлаштириш мақсадида бу заарни компаниянинг “одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар” таркибида киритиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

“Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар” тушунчасини киритиш ўринлидир. Бу харажатлар корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмасдан, кўп ҳолларда тасодифий юзага келадиган, олдиндан режалаштириш қийин бўлган ҳамда зарурият туфайли юзага келишини таъкидлаш лозим. Бу харажатларга фавқулотда юзага келган харажатлар, жорий бўлмаган активларни тасарруф қилиш натижасида юзага келган заарлар, валюта курси фарқи бўйича заарлар ва бошқа одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатларни киритиш мумкин.

Ушбу 2-жадвал маълумотлари бугунги кунда амалда бўлган молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот маълумотларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қиласди. Лекин бу халқаро стандартлардаги хисобот шу билан чегараланишини англатмайди. Ҳозирги амалдаги халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий хисоботларда операцион фаолиятдан кўра балки молиявий фаолиятга кўпроқ эътибор қаратилган. Молиявий фаолият натижасида олинган даромадларни тавсифловчи моддалар кўпроқ киритилган.

Халқаро стандартларда молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботнинг

хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтайлик.

Биринчи жиҳати - бу хисоботнинг номланишини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурияти хисобланади. Бунинг учун компания хисоб сиёсатида иккита вариантдан бири танланади.

Биринчи вариант – хисоботнинг номи **“умумлашган даромадлар тўғрисидаги хисобот”** – бу хисоботда даставвал фойда ёки заарларни акс эттиради ва унинг давоми сифати бошқа тўплам даромадларни хар бир компонентлари бўйича акс эттиради.

Иккинчи вариант – хисоботнинг номи **“Фойда ёки заарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги хисобот”** – бунда хисобот иккита хисоботдан таркиб топади. Биринчиси, “Фойда ёки заарлар тўғрисидаги хисобот” деб номланиб, ушбу хисоботда фойда ёки заарлар акс эттирилади. Иккинчиси, “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги хисобот” бўлиб унда биринчи хисоботдаги фойда ёки заарлар шу хисоботга бошланғич кўрсаткич сифатида ўтказилади. Ундан кейин бошқа умумлашган даромадлар ҳар бир компоненти бўйича акс эттирилади. Хисобот сўнгидаги фойда ёки заарлар бошқа тўплам даромадлар қўшилиб жами умумлашган даромад аниқланади.

Иккинчи жиҳати – халқаро стандартларга мувофиқ тузиладиган хисоботда фойда ёки заарлар “Давом этаётган фаолият” ва “Тугалланаётган фаолият”лар кесимида аниқланади. Ушбу иккита фаолиятдан олинадиган фойда қўшилиб йил учун фойда ёки заар суммалари аниқланади. Ушбу жиҳат шуниси билан аҳамиятлики, унда фойдаланувчилар олинган фойданинг қанча қисми давом этаётган фаолиятдан,

қанча қисми эса тугалланаётган фаолиятдан олинаётганлиги түғрисидаги маълумотларга эга бўлади. Бу эса ахборот фойдаланувчилар томонидан тўғри қарорлар қабул қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи жиҳати – мамлакатимизда амалда бўлган ҳисобот шаклида молиявий активлар билан боғлиқ фойда ёки заарларни акс эттирувчи сатрлар акс эттирилмаган. Бунда фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисобот қисмида молиявий активларнинг чиқиб кетиши ва қайта таснифланишидан, жумладан амортизацияланадиган қиймати бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни адолатли қиймати бўйича ҳисобга олинадиган категорияга ўtkазишида юзага келадиган фойда ёки заарларни акс эттирувчи моддаларни киритиш тавсия этилади.

Тўртинчи жиҳати, 36-БХХС “Қадрсизланишдан заар” номли стандарт талабларига мувофиқ активларнинг қадрсизланишидан юзага келган заар суммасини акс эттиришга мўлжалланган сатрлар ўз аксини топмаган. Бу жиҳатдан ҳам ҳисботни такомиллаштириш талаб этилади.

Бешинчидан, ҳисботнинг яна бир муҳим жиҳати унда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида ахборотларни акс

эттириш талаб этилади. Бундай даромадларнинг таркиби таклиф этилган ҳисбот шаклига киритилди.

Олтинчи жиҳати, халқаро стандартларга мувофиқ тузилган ҳисботнинг “фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисбот” қисмида аниқланган фойда ҳамда жами умумлашган даромадлар (жами умумлашган даромадлар бу фойда ёки заарлар плюс бошқа умумлашган даромадлар) албатта “назорат қилинадиган акциядорларга” ва “назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасига” ажратилган ҳолда акс эттириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Молиявий ҳисботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга 6-ИЛОАда “Фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисбот” шакли келтирилган ва муҳокамага тақдим этилган. Ушбу ҳисбот МХХСларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва унинг талабларига жавоб беради. Биз тадқиқотларимиз ва МХХСларини ўрганишимиз жараёнида тақдим қилинган ҳисботни янада такомиллаштириш бўйича куйидаги таклифларни ишлаб чиқдик (3-жадвал).

3-жадвал

Молиявий ҳисботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом асосида муҳокамага тақдим этилган “Фойда ёки заар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисбот”ни такомиллаштириш бўйича таклифлар³

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Таклифлар
Фойда ёки заарлар	0100	I. Фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисбот

³ <https://regulation.gov.uz/oz/d/98836> асосида муаллиф таклифлари



Тушум	0101	Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш
Сотиш таннархи	0102	Сотишлиар ва хизматлар таннархи
Ялпи фойда (зарар) (сатр. 0101-0102)	0200	МХХСларига мувофиқ келади
Сотиш харажатлари	0201	МХХСларига мувофиқ келади
Маъмурий харажатлар	0202	МХХСларига мувофиқ келади
		“Активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатлар” сатр киритиш керак
Бошқа операцион даромадлар	0203	Бошқа операцион даромад тушунчasi амал қилмайди
Бошқа операцион харажатлар	0204	МХХС бошқа операцион харажатлар тушунчasi амал қилмайди
Операцион фаолият фойдаси (зарари) (сатр. 0200-0201-0202+0203-0204)	0300	Операцион фаолият фойдаси (зарари)
Молиявий даромадлар	0301	МХХСлари талабларига мувофиқ одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган молиявий даромадларни очиқлаш керак
Молиявий харажатлар	0302	МХХСлари талабларига мувофиқ одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган молиявий харажатларни очиқлаш керақ, яъни моддалари бўйича акс эттириш керак
Таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарнинг фойдасининг (зарарининг) ташкилотга тегишли улуши	0303	Ҳиссали қатнашиш методи бўйича ҳисобга олинадиган инвестициялардан даромадлар
		Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)
Бошқа даромадлар	0304	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадларни моддалари бўйича очиқлаш керак
Бошқа харажатлар	0305	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадларни моддалари бўйича очиқлаш керак
		“Активларнинг қадрсизланишидан зарар” сатрини киритиш керак
		Асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш натижасида қиймати пасайтиришдан юзага келган зарар



Фойда солиги тўлангунга қадар фойда ёки зарар (сатр. 0300+ 0301-0302+-0303+0304-0305)	0400	МХХСларига мувофиқ келади
Фойда солиги, жами (сатр. 0501+0502), шу жумладан:	0500	МХХСларига мувофиқ келади
Жорий фойда солиги харажати	0501	МХХСга мувофиқ келади
Кечиктирилган солик харажати (даромади)	0502	Ушбу сатр халқаро стандартларга мувофиқ келмайди
Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарар) (сатр. 0400-0500)	0600	МХХСга мувофиқ келади
Тугатилган фаолиятдан фойда (зарар)	0700	Йил учун тугатилаётган фаолиятдан фойда (зарар)
Хисобот даври учун соф фойда (зарар) (сатр. 0500+0600)	0800	Сатр номланиши МХХСларига мувофиқ келади
Бошқа умумлашган даромадлар (сатр. 0905+0911)	0900	II. Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги хисобот
Қайта баҳолаш моделига мувофиқ баҳоланадиган асосий воситалар ва номоддий активлар учун қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0901	МХХСларига мувофиқ келади
Таъсир остидаги ташкилотлар ва қўйма корхоналарнинг бошқа умумлашган даромадининг (зарарининг) ташкилотга тегишли улуши	0902	Ассоциациялашган компаниялар мулки қийматнинг ошишидаги ҳиссаси
		Компания танлови бўйича бошқа умумлашган даромадлар орқали адолатли қиймати бўйича ҳисобга олинадиган ҳиссали инвестициялардан фойда/зарарлар
Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларини қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0903	МХХСларига мувофиқ келади
		Ўз кредит рисклари билан боғлик молиявий мажбуриятлар адолатли қиймтининг ўзгариши
Реклассификация қилинмайдиган моддалар бўйича фойда солиги таъсирлари	0904	



Кейинги давларда фойда ёки заарда реклассификация қилинмайдиган бошқа умумлашган даромадлар (фойда солиғи таъсирларини чегирган ҳолда) (сатр. 0901+/-0902+/-0903 - 0904)	0905	“Реклассификация қилинмайдиган” деб эмас балки “...реклассификация қилиниши мүмкін бўлмаган” деб ёзилса тўғри бўлади
Чет элдаги бўлинмани бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган курс фарқлари	0906	MXXСларига мувофиқ келади
Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий инструментларни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0907	MXXСларига мувофиқ келади
Пул оқимини хежлаш	0908	MXXСларга мувофиқ келади
Чет элдаги бўлинмага соғ инвестицияларни хежлаш	0909	MXXСларга мувофиқ келади
Кейинги давларда фойда ёки заарда реклассификация қилиниши мүмкін бўлган моддалар бўйича фойда солиғи таъсирлари	0910	MXXСларга мувофиқ келади
Кейинги давларда фойда ёки заарда реклассификация қилиниши мүмкін бўлган бошқа умумлашган даромадлар (фойда солиғи таъсирларини чегирган ҳолда) (сатр. 0906+/- 0907+/-0908+/-0909-0910)	0911	
Хисобот даври учун жами умумлашган даромад (0800+0900)	1000	
		ФОЙДА:
		Назорат қилинадиган акциядорларга тўғри келадиган қисми
		Назорат қилинмайдиган қатнашиш хиссасига тўғри келадиган қисми
		ЖАМИ УМУМЛАШГАН ДАРОМАД:
		Назорат қилинадиган акциядорларга тўғри келадиган қисми
		Назорат қилинмайдиган қатнашиш хиссасига тўғри келадиган қисми
<i>Бир акцияга тўғри келадиган фойда (сўмда):</i>		MXXСларига мувофиқ келади

базавий кўрсаткич	1100	МХХСларига мувофиқ келади
суюлтирилган кўрсаткич	1101	Камайтирилган (Суюлтирилган кўрсаткич бўлмайди)

Бизнинг фикримизча мамлакат миқёсида ягона бўлган фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисботнинг шаклини мамлакат даражасида ишлаб чиқиш мураккаб ҳисобланади. Шу боис, МХХСларига ўтган ҳар ташкилот МХХСларида келтирилган талаблардан келиб чиқиб мустакил белгилашлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Халқаро тажрибаларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги давлат органлари, профессионал ташкилотлар,

университетлардаги олимлар ва тадқиқотчилар молиявий ҳисботнинг шакллари (хорижий манбаларда форматлар)ни тавсия этишлари мумкин бўлади.

Молиявий ҳисботнинг шакллари тавсия этилаётганда 1-сон БХХС “Молиявий ҳисботни тақдим қилиш” стандартига мувофиқ ҳисботларда акс эттириладиган ахборотларнинг минимал қатори белгилаб берилган. Ушбу стандартнинг янгиланган таҳририда куйидаги 4-жадвалда келтирамиз.

4-жадвал

1-сон БХХС “Молиявий ҳисботни тақдим этиш” стандартига мувофиқ “Фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромадлар” тўғрисидаги ҳисботда фойда ёки заарлар қисмида минимум акс эттирилиши талаб этиладиган ахборотлар⁴

Инглизча варианти	Ўзбекча варианти
Revenue	Тушум
Gains and losses from the derecognition of financial assets measured at amortised cost	Амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий активларни тан олинишини тўхтатишдан (чиқиб кетишидан) олинадиган фойда ёки заарлар
Financial costs	Молиявий харажатлар
Share of the profit or loss of associates and joint ventures accounted for using the equity method	Ҳиссанли қатнашиш методи бўйича ассоциациялашган ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зараридаги хиссаси
Certain gains or losses associated with the reclassification of financial assets	Молиявий активларни қайта таснифлаш натижасида юзага келадиган фойда ёки заарлар
Tax expense	Солиқ харажатлари
A single amount for the total of discontinued items	Тугатилаётган фаолият бўйича ягона натижавий суммаси

⁴ 1-сон БХХС “Молиявий ҳисботни тақдим этиш” стандарти асосида

Expenses recognised in profit or loss should be analysed either by nature (raw materials, staffing costs, depreciation, etc.)	Фойда ёки заарларда қайд қилинган харажатлар табиатига күра таҳлил қилинади (хом-ашёлар, стаф харажатлар, депрециация ва бошқа)
If an entity categorises by function, then additional information on the nature of expenses – at a minimum depreciation, amortisation and employee benefits expense must be disclosed	Агар бирликлар функциялари бўйича категорияларга ажратилса, харажатларнинг табиати бўйича қўшимча маълумотлар - минимал депрециация, амортизация ва ходимларга рағбатлантиришлар бўйича ошкор этилиши керак.

Юқоридаги халқаро стандартлар ва хорижий тажрибаларни, ҳамда профессионал ташкилотлар, шунингдек мухокама учун тақдим қилинган Молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомда келтирилган ҳисобот шаклларини тадқиқ

қилиш асосида мамлакатимизда МХХСларига ўтаётган ташкилотлар учун “Фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот”нинг қуидаги шаклини тақдим этамиз (5-жадвал).

5-жадвал

Фойда ёки заарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг таклиф этилаётган шакли⁵

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йили шу даврда	Ҳисобот йилида
I. Фойда ёки заарлар тўғрисидаги ҳисобот			
Асосий (одатдаги) фаолияти боғлиқ даромад ва харажатлар:	0100-0200		
Операцион фаолият:	0100		
Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш	0101		
Сотишлар ва хизматлар таннархи	0102		
Ялпи фойда (заарар) (сатр. 0101-0102)	0103		
Сотиш харажатлари	0104		
Маъмурий харажатлар	0105		
Активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатлар	0106		
Операцион фаолият фойдаси (заари) (0103 -0104 – 0105 – 0106)	0107		
Молиявий фаолиятдан тушумлар ва харажатлар:	0200		
Дивиденд	0201		
Роялти	0202		

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



Ижара тўловлари	0203		
Фоиз шаклидаги харажатлар	0204		
Молиявий ижара бўйича фоиз шаклидаги харажатлар	0205		
Ҳиссали қатнашиш методи бўйича ассоциациялашган ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зараридаги хиссаси	0206		
Инвестициявий кўчмас мулкларнинг қиймати ошиши натижасида олинган даромадлар	0207		
Асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари) (0107 + 0201 + 0202 + 0203 – 0203 – 0204- 0205 + (-) 0206) + 0207	0208		
Асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлик бўлмаган даромад ва харажатлар:	0300		
Пенъя, жарима ва неустойкалар бўйича фойда ёки зарарлар	0301		
Жорий бўлмаган активларни сотишдан олинган фойда ёки зарарлар	0302		
Сотишга қобилиятли қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган нафлар	0303		
Валюта курси фарқидан фойда ёки зарарлар	0304		
Кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган нафлар	0305		
Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	0306		
Ҳисобот даврида аниқланган ўтган даврлар даромадлари	0307		
Амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий активларни тан олиниши тўхтатишдан (чиқиб кетишидан) олинадиган фойда ёки зарарлар	0308		
Молиявий активларни қайта таснифлаш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарлар	0309		
Фавқулотда юзага келган фойда ёки зарарлар	0310		
Бошқа даромадлар ва харажатлар	0311		
Фойда солиги тўлангунга қадар фойда ёки зарар (0208 + (-) 0301 + (-) 0302 + 0303 + (-) 0304 + 0305 + 0306 + 0307 + (-) 0308 + (-) 0309 + (-) 0310 + (-) 0311)	0401		
Фойда солиги бўйича харажатлар	0501		
Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарар) (0401 – 0501)	0601		
Тугатилаётган фаолиятдан фойда (зарар)	0701		

Хисобот даври учун соф фойда (зарар) (сатр. 0601 + (-) 0701)	0801		
II. Бошқа умумлашган даромадлар түғрисидаги хисобот	0900		
Қайта баҳолаш моделига мувофиқ баҳоланадиган асосий воситалар ва номоддий активлар учун қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0901		
Таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарнинг бошқа умумлашган даромадининг (зарарининг) ташкилотга тегишли улуши	0902		
Компания танлови бўйича бошқа умумлашган даромадлар орқали адолатли қиймати бўйича хисобга олинадиган хиссали инвестициялардан фойда/зарарлар	0903		
Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларини қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0904		
Ўз кредит рисклари билан боғлиқ молиявий мажбуриятлар адолатли қиймтатининг ўзгариши	0905		
Реклассификация қилинмайдиган моддалар бўйича фойда солиғи таъсирлари	0906		
Кейинги даврларда фойда ёки зарарда реклассификация қилиниши мумкин бўлмаган бошқа умумлашган даромадлар (фойда солиғи таъсирларини чегирган холда) (сатр. 0901 +/- 0902 +/- 0903 – 0904 +/- 0905 - 0906)	0907		
Чет элдаги бўлинмани бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган курс фарқлари	0908		
Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий инструментларни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар	0909		
Пул оқимини хежлаш	0910		
Чет элдаги бўлинмага соф инвестицияларни хежлаш	0911		
Кейинги даврларда фойда ёки зарарда реклассификация қилиниши мумкин бўлган моддалар бўйича фойда солиғи таъсирлари	0912		
Кейинги даврларда фойда ёки зарарда реклассификация қилиниши мумкин бўлган бошқа умумлашган даромадлар (фойда солиғи	0913		

таъсирларини чегирган ҳолда) (сатр. 0908 +/- 0909 +/- 0910 +/- - 0911 - 0912)			
Жами бошқа умумлашган даромад (0907 + 0913)	0914		
Хисобот даври учун жами умумлашган даромад (0801 + 0914)	1000		
ФОЙДА:	1100		
Назорат қилинадиган акциядорларга түгри келадиган қисми	1101		
Назорат қилинмайдиган қатнашиш хиссасига түгри келадиган қисми	1102		
ЖАМИ УМУМЛАШГАН ДАРОМАД:	1200		
Назорат қилинадиган акциядорларга түгри келадиган қисми	1201		
Назорат қилинмайдиган қатнашиш хиссасига түгри келадиган қисми	1203		
<i>Бир акцияга түгри келадиган фойда:</i>	1300		
Базавий кўрсаткич	1301		
Камайтирилган	1302		

Ушбу таклиф этилаётган шакл бир қанча афзалликларга эга. **Биринчидан**, ҳисбот шакли МХХСлари талабарини инобатга олади. Ҳисбот иккита қисмдан ташкил топган: фойда ёки заарлар түғрисидаги ҳисбот ва бошқа умумлашган даромадлар түғрисидаги ҳисбот. **Иккинчидан** фойда ёки заарлар қисмida тушумлар халқаро стандартларга мувофиқ ҳисбога олишга асосланади. Халқаро концептуал асосларда даромадларнинг ўз ичига тушумни ҳам, шунингдек бошқа даромадларни ҳам олади. Тушумларга ташкилотнинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган даромадлар, хусусан “сотишдан тушум”, “хизматлар учун рағбатлантиришлар”, “фоизлар”, “дивидендлар”, “роялти” ва “ижара тўловлари” кириши кўрсатилган. Биз юқоридаги ҳисбот шаклида ушбу даромадларни одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар таркибига

киритдик. Бу кўрсаткичлар ҳисботда операцион фаолият ва молиявий фаолиятдан олинган даромадларда ўз аксини топди. **Учинчидан**, ҳисботда одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар (бошқа даромадлар) ҳам алоҳида компонентлари кесимида акс эттирилди. Чунки, концептуал қоидаларда бошқа даромадлар түғрисидаги ахборотлар иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали ҳисбланиши ҳамда фойданинг ҳар бир моддаси бўйича шу даромадга мос харажатларни айришдан кейинги сумма акс эттирилиши қайд этилган. Молия вазирлиги томонидан таклиф қилинаётган ҳисбот шаклида бошқа даромадлар ва бошқа харажатлар учун алоҳида сатр ажратилган. Биз таклиф этилаётган шаклда эса бошқа даромадлар ва бошқа харажатларнинг ҳар бир компонентини алоҳида сатрда акс эттириш таклиф этилган. Шунингдек, бошқа даромадлардан шу категориядаги

мос харажатларни чегириб ташлагандан кейин ижобий фарқ бўлса фойда сифатида, агарда харажат даромаддан катта бўлса зарап сифатида акс эттириш тартиб-қоидаси жорий қилинган. **Тўртингидан**, давом этаётган фаолият ва тугалланаётган фаолият натижалари алоҳида қайд қилинган. Халқаро стандартлрга мувофиқ фойда ҳамда жами тўплам даромадларни назорат қилинадиган акциядорларга ҳамда назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасига ажратган ҳолда акс эттириш тавсия этилганлиги ҳам ҳисботнинг жозибодорлигини оширишга хизмат қиласди.

Хуноса. Тадқиқотлар асосида куйидаги хуносаларга келинди:

1. Молиявий ҳисботнинг халқаро концептуал асосларда даромадлар **асосий даромадлар**, яъни **тушумларга** (revenue) ва **асосий бўлмаган бошқа даромадларга**, яъни **нафларга** (gains) ажратилган. Тадқиқотлар асосида халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда асосий даромадлар ва бошқа даромадларнинг таркиби белгилаб берилди.

2. Бугунги кунда амалда бўлган “молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот”нинг шакли ва унда акс эттирилган кўрсаткичларнинг таркиби таҳлил қилиниб, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан ҳисботга Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари, Операцион фаолиятнинг фойдаси (зарари), Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари), Асосий бўлмаган тушумлар, Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, Бухгалтерия баҳолашларидаги ўзгаришлар таъсири каби сатрларни киритиш тавсия этилди.

3. Молиявий ҳисботларига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом асосида муҳокамага тақдим этилган “Фойда ёки зарап ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисбот”ни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Ушбу муҳокамага тақдим қилинган ҳисбот шаклини “Активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатлар” сатр киритиши, МҲҲСлари талабларига мувофиқ одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган молиявий даромадларни очиқлаш, МҲҲСлари талабларига мувофиқ одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган молиявий харажатларни очиқлаш, Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадларни моддалари бўйича очиқлаш, Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромадларни моддалари бўйича очиқлаш, “Активларнинг қадрсизланишидан зарап” сатрини киритиши, Асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш натижасида қиймати пасайтиришдан юзага келган зарап сатрларини киритиш орқали такомиллаштириш тавсия этилди. Шунингдек, халқаро стандартлар талаблари асосида “фойда” ва “жами умумлашган даромадлар”ни “Назорат қилинадиган акциядорларга тўғри келадиган қисми” ва “Назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасига тўғри келадиган қисми” кесимида акс эттириш лозимлиги таъкидланди.

4. Юқоридаги халқаро стандартлар ва хорижий тажрибаларни ҳамда профессионал ташкилотлар, шунингдек муҳокама учун тақдим қилинган Молиявий ҳисботларига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомда келтирилган ҳисбот шаклларини тадқиқ қилиш асосида мамлакатимизда

MXXСларига ўтаётган ташкилотлар учун “Фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромадлар түғрисидаги ҳисобот”нинг шакли тақдим этилди. Халқаро концептуал асосларда даромадларнинг ўз ичига тушумни ҳам, шунингдек бошқа даромадларни ҳам олади. Биз юқоридаги ҳисобот шаклида ушбу даромадларни одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар таркиби ишлаб чиқилди. Бу кўрсаткичлар ҳисбботда операцион фаолият ва молиявий фаолиятдан олинган даромадларда ўз аксини топди. Ҳисбботда одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар (бошқа даромадлар) ҳам алоҳида компонентлари кесимида акс этирилди. Биз таклиф этилаётган шаклда эса бошқа даромадлар ва бошқа

харажатларнинг ҳар бир компонентини алоҳида сатрда акс эттириш таклиф этилган. Давом этаётган фаолият ва тугалланаётган фаолият натижалари алоҳида қайд қилинган. Халқаро стандартлрга мувофиқ фойда ҳамда жами тўплам даромадларни назорат қилинадиган акциядорларга ҳамда назорат қилинмайдиган қатнашиш ҳиссасига ажратган ҳолда акс эттириш тавсия этилганлиги ҳам ҳисбботнинг жозибадорлигини оширади.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётта жорий этилиши молиявий натижалар түғрисидаги ҳисбботни MXXСларга мувофиқлаштириш, шунингдек ҳисбботларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлигини оширишга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон <https://lex.uz/docs/4746047>
2. Эшбекова З.Т. Молиявий натижаларини ҳисбога олиш ва назорат қилишни такомилаштиришнинг асосий йўналишлари // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnalı. № 1, yanvar-fevral, 2021 yil. 80-81-б.
3. ©2020 PwC. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ACCA ДипИФР в 2020 году. 0316-0318-б.
4. Obidov Rakhmonali Rasulovich. Хўжалик субъектларида даромад ва харажатларни шакилланиши ва бухгалтерия ҳисбидаги тан олишини такомиллаштириш, International //Journal of Economics and Accounting Review Issue 1 June 2023. 12-б.
5. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисбботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш (MXXС ва илғор тажрибалар асосида). Монография. 2018 й. 151-152-б. <https://www.amazon.com/Moliavii-Hisbotning-Metodologik-Assoslariini-Takomillashтириш/dp/6138240502>
6. М.Ж. Темирханова. Туристик корхоналарда молиявий ҳисб ва ҳисбботни такомиллаштириш. 08.00.08–Бухгалтерия ҳисбидаги иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферат. Тошкент 2018. 22-б.
7. Н.Р.Пешкова. Совершенствование формирования отчета о финансовых результатах. 2022 // <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-formirovaniya-otcheta-o-finansovyh-rezultatah/viewer>



8. Т.Ю.Дружиловская и др. Совершенствование формирования отчета о финансовых результатах как информационной базы для принятия стратегических решений // методики и практический опыт / methods and practical experience. // <https://accounting.fa.ru/jour/article/view/404/372> (2021)

9. Rami Ali. How to improve your business financial performance. //<https://www.netsuite.com/portal/resource/articles/financial-management/improve-financial-performance.shtml>

10. K P Venugopala Rao, Farha Ibrahim. Corporate reporting behavior: Factors influencing the adoption of integrated reporting in India. May 2024 Problems and Perspectives in Management 22(2):453-462.DOI:[10.21511/ppm.22\(2\).2024.35](https://doi.org/10.21511/ppm.22(2).2024.35)

//https://www.researchgate.net/publication/381014008_Corporate_reporting_behavior_Factors_influencing_the_adoption_of_integrated_reporting_in_India

11.https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predisloviya - kopiya.pdf асосида муаллиф ишланмаси

12. С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. Дарслик. –Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023181-187.

13 <https://regulation.gov.uz/oz/d/98836>

14. 1-сон БХХС “Молиявий ҳисботни тақдим этиш” стандарти асосида